



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**МУНДАРИЖА:**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Кнарлик Карапетовна Арабян, Дилбар Хасановна Асланова, Мария Валерьевна Рубель</b> Развитие предпринимательского мышления: опыт платформы системного развития «Бизнес созидание»	5
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев</b> Креатив иқтисодиёт индустриясининг мазмуни ва унинг назарий масалалари	10
<b>Дилдора Собиржонова Джураева</b> Пути повышения уровня жизни населения в Республике Узбекистан: теоретико-методологический анализ и практические рекомендации	19
<b>G'olib Sultonmurodovich Mustafoyev, Sabina Baxtiyor qizi Xudoyberdiyeva</b> Zamonaviy xalqaro iqtisodiy munosabatlarni shakllantiruvchi asosiy omillar	24
<b>Аскар Хайдарович Джумаев</b> Хулқ-атвор иқтисодиётининг қисқача мазмун-моҳияти, аҳамияти ва истиқболлари	28
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Сервис фаолияти маданияти тушунчасининг назарий талқини	31
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Комил Бахрамович Уразов, Мадина Шайманкуловна Хушмуродова</b> Тенденции развития электронной торговли в Узбекистане	35
<b>Dilafroz Marufovna Vofaxojayeva</b> Tibbiyot turizmini rivojlantirishda raqamlashtirishning o'rnini	39
<b>Наргиза Музафаровна Бабаева</b> Инновацияларнинг Ўзбекистон иқтисодий ривожланишидаги роли	45
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Muxitdin Abduxamidovich Aynakulov</b> Agroklasterni tashkiliy jihatdan optimallashtirish negizidagi kooperatsion aloqa usullari, yo'nalish va mexanizmlari	50
<b>Umar Xudayberdiyev, Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva</b> O'zbekistonda go'sht yetishtirishdagi muammolar va ularning yechimi	53
<b>Boburmirzo Botirovich Abduvaxobov</b> Sutni qayta ishlash korxonalarida ta'minot zanjiri tizimining tashkiliy mexanizmini takomillashtirish	56
<b>G'ayrat Ablakulovich Ibragimov, Diyora O'tkir qizi Toshqulova, Shaxnoza G'ayrat qizi Ablakulova</b> Oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirishda suv resurslaridan foydalanishning o'rnini	60
<b>Akhror Abdihakimovich Shermatov</b> The importance of intellectual capital in manufacturing enterprises in the economy	64
<b>Barno Asatullojevna Mardanova</b> Sut mahsulotlari ta'minot zanjiri: muammolar, imkoniyatlar va yechimlar	69
<b>Eldor Toshtemirovich Xamdorov, Shuhrat Saidahmadovich Sharifov</b> O'zbekiston qishloq hududlarida maishiy xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish	74
<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Munavvar Farxod qizi Axrorova</b> Samarqand viloyatida tibbiy xizmatlarni davlat-xususiy sherikchiligi asosida takomillashtirishning istiqbollari	77
<b>Sanjar Nasriddinovich Nazarov</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida aloqa-axbarotlashtirish xizmatlarini tashkiliy mexanizmini takomillashtirish	82

Наргиза Музафаровна Бабаева – Кўкон давлат университети профессори в.б.,  
иқтисодиёт фанлари доктори

## ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланишининг бир қатор кўрсаткичлари кўриб чиқилиб, инновацион инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш ва илмий ташаббусларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли таъкидланган.

**Калит сўзлар:** инновация, капитал, инновацион жараён, ишлаб чиқариш омиллари, инновация инновацион стратегиялар, инновацион тадбиркорлик, глобал инновацион индекс.

**Кириш.** XXI асрда инновациялар барқарор иқтисодий ўсишнинг асосига айланди. Давлатларнинг инновацион ривожланиш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми инновацион фаолиятни рағбатлантириш, модернизация қилиш бўлиб, илмий асосланган истиқболли ишланмалар асосида маҳсулотларни такомиллаштиришни назарда тутди.

XX-аср охири ижтимоий тараққиёт йўналишларини кенг кўламда қайта кўриб чиқишга олиб келди. Моддий ишлаб чиқариш таҳлилига соф иқтисодий нуқтаи назардан ёндашадиган иқтисодий ўсиш концепцияси инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг чекланган таъсири туфайли табиий ресурсларни битмас-туганмас неъмат деб кўриши амал қилган. Ҳозирги вақтда жамият иқтисодий фаолияти умумий инсон фаолиятининг фақатгина бир қисми эканлигини ва иқтисодий ривожланиш жамият ривожланишининг кенгрок концепцияси доирасида кўриб чиқиш кераклигини тушунишга эришмоқда.

Замонавий иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари иқтисодий ривожланишни белгиловчи омиллар ва манбаларнинг сезиларли даражада қайта гуруҳланганлигини кўрсатади. Иқтисодий ўсиш учун анъанавий ресурслар имкониятларининг камайиши улардан фойдаланишнинг жисмоний чегараларига яқинлашилаётганлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари самарадорлиги пасайиб бораётганлиги ҳамда уларга кетаётган харажатларни ошиб бораётганлигига боғлиқ. Бу шуни англатадики, инновацион жараёнлар, илмий билимлар, янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматлар тизими иқтисодий ўсиш моделида устун бўлиши керак. Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилига айланмоқда.

Техник жараён ишлаб чиқариш ва қўллаш воситаларини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва инсон эҳтиёжларини тўлиқ кондиришни таъминлашдан иборат. Техник тараққиётнинг бошланғич нуқтаси илмий тараққиёт - атрофдаги дунёнинг янги қонуниятлари, ҳодисалари ва хусусиятларини кашф қилиш, уни инсон манфаатларига мос равишда ўзгартириш техникаси ва усулларини ўзлаштиришни назарда тутди. Дастлаб у табиат ҳодисалари ва хоссалари ҳақидаги инсоннинг эмпирик билимларини тўплаб, сўнгра илмий билимлар шаклида амалга оширади. Илмий-техника тараққиёти маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муҳим омили бўлиб, бу илм-фан томонидан теварак-атрофдаги дунёнинг янги қонунлари, ҳодисалари ва хоссаларини кашф этиш асосида ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларини такомиллаштириш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш орқали таъминланади.

Илмий-техника тараққиёти кенгайган такрор ишлаб чиқариш жараёнига кучли таъсир кўрсатиб, унинг турига, шунингдек, иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига, миллий иқтисодий нисбатлар таркибига, ишлаб чиқариш жараёнининг ижтимоий уйғунлигига, инвестиция сиёсати ва бошқаларга кучли таъсир кўрсатади. Маълумки, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан илмий-техникавий ютуқларни ишлаб чиқиш ва яхшиланган товарлар ва хизматларни яратиш мақсадида уларни реал иқтисодиётга тарқатиш даражаси билан белгиланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш фан ва ишлаб чиқариш ўртасида бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида алоқаларни ўрнатишни назарда тутди. Бундай турдаги миллий инновацион тизимлар барча ривожланган капиталистик мамлакатларда фаолият юритади ва билим талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда юқори самарадорликни намоён этади. Инновацион салоҳият жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

имкониятларини кенгайтиради, капитал ва табиий ресурсларни тежайди. Фаннинг ривожланиши ва инсон капитали фаоллиги қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг инновацион салоҳияти шунчалик юқори бўлади.

Ўзбекистон модернизация ва технологик янгиланишга эътибор қаратаётган давлатнинг ёрқин намунасидир. Сўнгги йилларда республика рақамлаштириш, илм-фан тараққиёти ва иқтисодийнинг барча тармоқларига замонавий ечимларни фаол татбиқ этиш йўлидадир. Инновациялар Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутиб, мамлакатнинг халқаро майдонда рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодийнинг турли тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати инновацияларни рағбатлантириш ва иқтисодийни рақамлаштиришга қаратилган стратегия ва дастурларни фаол амалга оширмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Инновациянинг мазмунли жиҳатлари кўплаб хорижий ва маҳаллий нашрларда ўрганилган. Инновация асосчиси Ж.А.Шумпетер ҳисобланиб, инновацияларнинг умумий назарияси асосларига Н.Д.Кондратьев томонидан асос солинган. Инновация жараён сифатида – С.Валдайцева, С.Глазева, О.Мотовилова, Б.Санто, Б.Твисс, К.Фриман ва бошқаларнинг илмий ишлари ва асарларида кўриб чиқилган. Инновациялар объект сифатида - С.Менделл, Д.Эннис, Ф.Янсен асарларида келтирилган, замонавий рус олимлари - В.Архангелский, Э.Гейгер, Л.Гохберг, В.Рубе ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Н.Ҳайдаров ҳамда Ф.Додиевлар томонидан реал сектор корхоналарида инновацион фаолиятнинг назарий ва услубий жиҳатлари, инновацион фаолликни аниқловчи кўрсаткичлар ва уларни молиявий-иқтисодий баҳолаш механизмлари, А.Норов, И. Мадаминовлар томонидан инновацион фаолият ва унинг натижалари, инновацион фаолликка қаратилган молиявий-иқтисодий жараёнлар тавсифи юзасидан илмий изланишлар олиб борилган<sup>1</sup>

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг аънанавий усуллари қўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистоннинг 2021-2023-йиллардаги инновацион ривожланиш ҳолати ва кўрсаткичлари турли соҳаларда сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётганлигидан далолат бермоқда. Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг асосий устувор йўналишлари сифатида рақамлаштириш ва автоматлаштириш, молиявий технологиялар (FinTech), яшил технологиялар ва қайта тикланадиган энергия, қишлоқ хўжалиги инновациялари, тиббиёт ва биотехнологиялар, шунингдек, интеллектуал транспорт ва логистика тизимларни кўрсатиш мумкин.

2021-йилда ўтказилган тадқиқотга кўра, сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистоннинг IT-соҳасига киритилган инвестициялар тўрт баробарга ошган. 2018-2022-йилларда Ўзбекистонда ушбу соҳага йўналтирилган инвестициялар 50 миллион доллардан 200 миллион АҚШ долларига кўтарилди. Бу давлат ва хусусий секторнинг технология ва рақамли трансформацияга эътибори ортиб бораётганидан далолат беради ва рақамли иқтисодий жадал ривожланиб бораётганидан ва технологик инновацияларга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради.

Яна бир муҳим ютуқ Ўзбекистоннинг Глобал Инновациялар индекси (ГИИ) киритилиши бўлди. Агар 2018-йилда республика рейтингга умуман киритилмаган бўлса, 2022-йилда Марказий Осиё минтақасида етакчига айланиб, 82-ўринни эгаллади. Минтақавий ҳисобда Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиёнинг 10 та давлати орасида 4-ўринни эгаллади.<sup>2</sup> Бу мамлакатимизда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, инновацион тадбиркорлик муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли таълим ислохотлари ва тизимли сиёсат самарасидир.

<sup>1</sup> Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2003. - 29 б., Ф.Ў.Додиев. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 1998. - 22 б.

<sup>2</sup> 2000 Global Innovation Index 2024. World Intellectual Property Organization (WIPO) <https://www.wipo.int/web-publications/assets>

1-жадвалда мамлакатнинг халқаро инновацион рейтингдаги мавқеининг изчил яхшиланиши кўрсатилган, бу эса жаҳон миқёсида мамлакатимизнинг бу йўналишдаги муваффақиятлари тан олинганидан далолат беради.


Мамлакат инновацион тадқиқот ва ишланмаларга фаол сармоя киритмоқда. 2023-йилнинг биринчи ярмида илмий-тадқиқот ва ишланмаларга ялпи харажатлар ЯИМнинг 0,16 фоизини ташкил этди. 2023-йил охиригача бу кўрсаткични 0,17 фоизгача оширишга эришилди. Мамлакатимизда инновацияларни қўллаб-қувватловчи 30 дан ортиқ ташкилот, жумладан, технопарклар, бизнес-инкубаторлар ва инновацион марказлар фаолият кўрсатмоқда.

1-жадвал.

Ўзбекистоннинг глобал инновацион индексидаги ўрни  
2020–2023 йиллар<sup>1</sup>

Йил	ГИИдаги ўрни	Инновацион қўйилмалар бўйича	Инновацион натижалар бўйича
2020 йил	93-ўрин	81-ўрин	118-ўрин
2021 йил	86-ўрин	75-ўрин	100-ўрин
2022 йил	83-ўрин	68-ўрин	91-ўрин
2023 йил	82-ўрин	72-ўрин	88-ўрин

2023-йилнинг биринчи ярмида инновацион фаол корхоналар сони 520 тага етди, бу технология соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошганидан далолат беради. Хусусий сектор инновацион ишланмаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиб, 2023-йилнинг биринчи



1-расм. Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) га ажратилган инвестициялар динамикаси (2020–2024).<sup>2</sup>

ярмида 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Илмий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун халқаро донор ташкилотлардан қўшимча 36,5 миллиард сўм грант маблағлари жалб этилди.

1-расмга кўра, Ўзбекистонда 2020–2022-йиллар даврида инвестициялар ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилмоқда, бу илмий фаолиятни рағбатлантириш ва инновацион иқтисодиётга ўтиш чора-тадбирлари билан боғлиқ. 2023–2024 йилларга рақамлаштириш, янги технологияларни жорий этиш ва илмий марказларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат стратегиялари билан боғлиқ ҳолда молиялаштиришни янада оширилиши натижасида ижобий динамика кузатилди. Ўзбекистон илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга интилишни намойиш этмоқда, бу ИТТКИ ишларига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиб бораётганида намоён бўлмоқда.

<sup>1</sup> Stat.uz statistik ma'lumotlariga asoslangan muallifning ishlanmasi


<sup>2</sup> Stat.uz statistik ma'lumotlariga asoslangan muallifning ishlanmasi

2021-йилда ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, инновациялар ишлаб чиқариш саноати, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, молия ва суғурта фаолиятида энг фаол ҳолда жорий этилмоқда. Худудлар орасида инновацион ривожланиш бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари етакчилик қилмоқда. Мисол учун, ишлаб чиқариш саноатида автоматлаштириш ва ишлаб чиқариш цикларини бошқаришда рақамли платформаларни жорий этишнинг кучайиши кузатилмоқда; молиявий ва суғурта фаолиятида FinTech хизматлари, электрон тўлов тизимлари ва онлайн банкинг ривожланмоқда; савдода логистика, маркетинг ва онлайн савдони рақамлаштириш жорий этилмоқда.

Агротехнологиялар, яшил энергия ва мобил иловалар билан боғлиқ стартапларнинг ўсиши айниқса сезиларли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз..

Ташқи бозорларга юқори технологиялар экспортининг улуши 2023-йилда Ўзбекистон жами экспортининг 2,4 фоизини ташкил этди, бу мамлакатимизнинг юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради.<sup>1</sup>

2024-йил охирига келиб Ўзбекистондан ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) экспорти 900 миллион АҚШ долларидан ошди, бу мамлакатнинг рақамли иқтисодиётида сезиларли ўсиш ва унинг минтақавий IT-аутсорсинг маркази сифатидаги мавқеи мустаҳкамланганидан далолат беради.



**2-Расм. Ўзбекистон ташқи бозорларига юқори технологик маҳсулотларни экспорт ҳажми, жами экспорт ҳажмига нисбатан %да. (2020-2024 йиллар)**

**Хулоса ва таклифлар.** Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида барча тармоқларни қамраб олган ва мунтазам тавсифга эга бўлган улкан инновациялар талаб этилади. Бундай инновацияларга электрон ресурсларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги инновацион ечимлар (Интернет порталлар, электрон кутубхоналар ва бошқалар); ахборот ҳимояси ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, интернет фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш; ягона ахборот муҳитини ривожлантириш соҳасида таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш; билимлар иқтисодиётига ўтиш шароитида сифат менежментида ахборот технологияларидан фойдаланиш кабилар киради. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, давлат сиёсатининг кўплаб элементлари, шу жумладан бюджет ва солиқ соҳалари ҳали мамлакатнинг инновацион ривожланишини рағбатлантиришга тўлиқ мослаштирилмаган.

Иқтисодиётда инновацияларнинг роли жуда катта. Узоқ муддатли истиқболда жадал ривожланиш йўлида инновацион фаолиятсиз иқтисодий ўсишнинг янада юқори натижасига эришиш мумкин эмас. Республикамизда инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш мақсадида 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси қабул қилинган бўлиб, унинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

<sup>1</sup> Ўзбекистонда фан ва инновацион фаолият. Статистик тўплам. Тошкент 2024 й.

инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқариш (капитал яратиш)ни ташкил этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш;

кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш;

янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш;

яратилган капитални “тубдан янгиловчи” инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш;

таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувида инсон капиталини янада ривожлантириш.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу стратегияни фаол амалга оширилмоқда, унинг доирасида шу кунгача режалаштирилган 441 та лойиҳадан 400 дан ортиғи ишга туширилгани давлатнинг инновацион инфратузилмани ривожлантириш ва илмий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга бўлган интилишидан далолат беради. Булар қаторига инновацион кластерлар, технопарклар, рақамли платформалар яратиш ва тадқиқот инфратузилмасини ривожлантириш киради.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, инновациялар ҳозирда мавҳум тушунча эмас, балки Ўзбекистоннинг янги иқтисодий қиёфасини шакллантирувчи реал кучга ва мамлакат иқтисодий ландшафтининг ажралмас қисмига айланиб, sanoатни модернизация қилиш, янги технологияларни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишга ҳисса қўшмоқда. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ва хусусий секторнинг фаол иштироки мамлакатимизни янада инновацион ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Стратегик инвестициялар, халқаро ҳамкорлик ва инсон капиталини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар сабабли республика ишонч билан келажакнинг инновацияга йўналтирилган иқтисодиётига трансформация бўлмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сон.
2. Ашуров М.С. “Особенности и приоритетные направления развития инновационных процессов в республике Узбекистан” Бюллетень науки и практики, vol. 7, no. 12, 2021, pp. 221-229.А
3. Додиев Ф.Ў.. Инвестицион фаолиятини молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 1998. - 22 б.
4. Ўзбекистонда фан ва инновацион фаолият. Статистик тўплам. Тошкент 2024 й.
5. 2000 Global Innovation Index 2024. World Intellectual Property Organization (WIPO) <https://www.wipo.int/web-publications/assets>

<p><b>Н.Бабаева</b></p> <p><b>Роль инноваций в экономическом развитии Узбекистана</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассмотрен ряд показателей инновационного развития Республики Узбекистан, подчеркнута роль государства в обеспечении развития инновационной инфраструктуры и поддержке научно-исследовательских инициатив.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инновация, капитал, инновационный процесс, факторы производства, инновационные стратегии, инновационное предпринимательство, Глобальный инновационный индекс.</p>	<p><b>N.Babaeva</b></p> <p><b>The role of innovation in the economic development of Uzbekistan</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article examines a number of indicators of innovative development of the Republic of Uzbekistan, emphasizes the role of the state in ensuring the development of innovative infrastructure and supporting research initiatives.</p> <p><b>Keywords:</b> innovation, capital, innovation process, factors of production, innovation strategies, innovative entrepreneurship. Global Innovation Index.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.